

## QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR KENGASHINING 2013 YIL 10 YANVAR 12-SON QARORI

0011

QORAQALPOG'ISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR KENGASHINING QARORI		QORAQALPAQSTAN RESPUBLIKASI MINISTRLER KEÑESINING QARARI
Нукус шаҳри		Некис қаласы
№ 12		« 10 » январь 20 13 й.ж

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 378-сонли қарори ҳақида

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек электрон шаклда маълумотларнинг тўлиқ айирбошланишини, сўровларни расмийлаштириш тартиботларини жадаллаштириш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида давлат органлари билан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг ўзаро ҳамкорлиги самарадорлигини оширишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги «Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 378-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг юқорида кўрсатилган қарори билан:

а) Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги Низом 1-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда Ягона портал деб аталади) Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Хукумат портали доирасида, шу жумладан «бир дарча» режимда фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилганлиги;

б) Ягона портал:

жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари хизматлари ва функциялари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланишни;

фойдаланувчиларга электрон шаклда маълумотлар айирбошлаш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг интеграцияланган интерактив давлат хизматларидан, шу жумладан пулли асосда фойдаланишнинг ягона нуктаси орқали сўровларни расмийлаштириш имкониятлари берилишини;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Ягона портал фаолияти билан боғлиқ сўровлари ва мурожаатларини ҳисобга олиш, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг интерактив



давлат хизматлари кўрсатиш сифати мониторинги олиб борилишини таъминлаш белгиланганлиги;

в) Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашига:

Ягона портал орқали давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар учун кўрсатиладиган интерактив давлат хизматлари йиғма реестрини (кейинги ўринларда Йиғма реестр деб аталади) бир ой муддатда тасдиқлаш;

Уч ой муддатда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда давлат хизматларини босқичма-босқич интерактив давлат хизматларига ўтказиш ва Йиғма реестрга киритишнинг аниқ муддатларини белгиланган ҳолда давлат хизматлари рўйхатини тасдиқлаш;

Янги интерактив давлат хизматларини Йиғма реестрга киритиш ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ягона портал орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш ишларининг аҳволи тўғрисидаги масалаларни ўз мажлисларида мунтазам равишда кўриб боришини таъминлаш белгиланганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси:

Ягона портал орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатишга ўтиш бўйича норматив-методик раҳбарликни таъминлаш;

2013 йил 1 июлгача бўлган муддатда Ягона портални ишлаб чиқиш ва Интернет тармоғида ишга тушириш;

ҳар йили 1 декабргача Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашига Ягона портал орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳолати тўғрисида ҳисобот ва Йиғма реестр рўйхатини кенгайтириш бўйича қўшимча таклифлар киритиш белгиланганлиги;

д) Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига:

Ягона порталда Йиғма реестр таркибига кирадиган интерактив давлат хизматлари ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш;

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларда электрон шаклига ўтишни таъминлаш юзасидан ўз ваколатлари доирасида қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар кўриш топширилганлиги;

е) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари ва масъул ижрочилари интерактив давлат хизматларини жорий этиш ва кўрсатиш, шунингдек уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ кўрсатилиши юзасидан шахсан жавоб бериши белгилаб қўйилганлиги;

з) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Қурилиш, саноат, транспорт, коммуникация, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш масалалари комплекси (Ембергенов) Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси (Каланов):

Ягона портал орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатишга ўтиш бўйича норматив-методик раҳбарликни таъминлаш;

2013 йил 1 июлгача бўлган муддатда Ягона портал орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатишга ўтиш норматив-методик ҳужжатлари асосида Ягона портални ишлаб чиқсин ва Интернет тармоғида ишга туширсин;



**Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив  
давлат хизматлари портали тўғрисида  
Низом**

**I. Умумий қондалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги ушбу Низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларида фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2007 йил 23 августдаги 181-сон, “Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” 2007 йил 17 декабрдаги 259-сон қарорларига мувофиқ интерактив давлат хизматларидан фойдаланишда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг (кейинги ўринларда фойдаланувчилар деб аталади) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (кейинги ўринларда давлат органлари деб аталади) билан ўзаро ҳамкорлиги шартлари ва тартибини белгилайди.

2. Ягона портал давлат органлари томонидан кўрсатиладиган, шу жумладан пулли асосда кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларидан эркин фойдаланишнинг ягона нуқтаси ҳисобланади.

3. Ягона портал орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатиш ушбу Низомга мувофиқ рўйхатга олиш ва авторлаштириш тартиботидан ўтган аризачилар учун амалга оширилади.

4. Давлат тили Ягона порталнинг асосий мулоқот тили ҳисобланади, шунингдек рус, инглиз тиллари ва бошқа тиллардаги версиялари ҳам бўлиши мумкин.

5. Ягона порталнинг ахборот ва техник кузагуви Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг “Ўзинфоком” компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази (кейинги ўринларда “Ўзинфоком” маркази деб аталади) томонидан амалга оширилади.

**II. Асосий тушунчалар**

6. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар ва атамалар қўлланилади:

**Ягона интерактив давлат хизматлари портали (Ягона портал)** – фойдаланувчиларининг интерактив давлат хизматлари тўғрисидаги маълумотлардан эркин фойдаланишини, шунингдек электрон шаклда давлат хизматлари кўрсатишни таъминловчи Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталидаги маълумот-ахборот портали;



хар йили 1 декабрдан Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирув... кенгашига Ягона портал орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатишнинг ҳолати тўғрисида ҳисобот ва Йўл хар реестр рўйхатини кенгайтириш бўйича қўшимча таклифлар киритишлар.

4. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

Ягона порталда Йўл хар реестр таркибига қирадиган интерактив давлат хизматлари ўз вақтида ишга туширилишини таъминласинлар;

Аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларда электрон шаклига ўтишни таъминлаш юзасидан ўз ваколатлари доирасида қонуни ҳужжатларини такомиллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрсинлар.

5. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари ва масъул ижрочилари интерактив давлат хизматларини жорий этиш ва кўрсатиш, шунингдек уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ кўрсатилиши юзасидан шахсан жавоб берадилар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2009 йил 2 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 апрелдаги «Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат порталига ахборотларни тақдим этиш ва жойлаштириш тартиби тўғрисида»ги 116-сонли қарори ҳақида»ги 64/5-сон қарорида:

4 бандининг учинчи хат босидаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Н.У.Ерленесов ҳамда Вазирлар Кенгашининг Ишлар бошқарувчиси З.Б.Ханиязов зиммасига юклансин.

Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгашининг Раиси



Б.Янгибаев

Кўриб чиқилди:

IZLASH

- 🏠
- 🏢
- ✉

- [Vazirlar Kengashi](#)
- [Statistik va tahliliy ma'lumotlar](#)
- [Vazirliklar va idoralar](#)
- [Shahar va tuman hokimliklari](#)
- [Hujjatlar](#)
- [Respublika mehmonlariga](#)
- [Elektron hukumat](#)
- [Interaktiv davlat xizmatlar](#)